
Учкўприк тумани фермерлари пахта етиштириш шартномавий режасини бажарди

Миришкор дәхқонларнинг узоқ йиллик фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси қўл келиб, бугун юксак хирмон барпо қилинди.

Жорий йилда 202 та фермер хўжаликлари томонидан 5 минг 350 гектар майдонда ғўза парвариш қилиниб, 20 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили топширилди.

Туманда пахтачиликда илм-фан ва инновацияларга асосланган ҳолда ҳосилдорликни ошириш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. "Қуммозор Меҳнатобод диёри", "Ҳакимбой", "Бахшитол Собиржон ариқ", "Биллур замин кўрки", "Бобошибек келажаги" каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ўртacha 50 центнердан ортиқни ташкил қилди.

2024-11-08 09:58:45